

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 20-ҳадис

20 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا اسْتَيْقَظَ أَحَدُكُمْ فَلْيُفْرِغْ عَلَى يَدِهِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ قَبْلَ أَنْ يُدْخَلَ يَدُهُ فِي إِيَّائِهِ، فَإِنَّهُ لَا يَدْرِي فِيْمَ بَاتَتْ يَدُهُ».

[خ 162، م 278، ت 24، س 1، د 103، ج 393].

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Бирортангиз уйғонганда қўлини идишга тиқишдан олдин қўлига уч марта сув қуйсин, чунки қўли қандай тунаганини билмайди»**, дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда уйқудан туриб таҳорат қилмоқчи бўлган одам таҳорат қилишдан олдин сув бор идишни энгаштириб ёки бирорта кичик идиш билан олиб, уч марта қўлини ювиб ташлаши суннат экани баён қилинмоқда. Шу билан бирга, бу ишни нима ҳикматга биноан жорий қилингани ҳам баён этилаяпти. Одам уйқусида қўли қаерларга борганини, нималарни ушлаганини идрок эта олмайди. Эҳтимол, нопок нарсаларни ушлаган бўлиши мумкин. Бинобарин, қўли биринчи сувга уриладиган ва бошқа аъзоларини ювадиган бўлгани учун аввал қўлини ювиб олгани маъқул. Шу мулоҳазага биноан, нафақат уйқудан турган одамга, балки ҳар бир таҳорат қилувчига аввал қўлини уч марта ювиб олиши тавсия қилинади.

Ҳанафий мазҳаби уламулари поклиги гумон бўлган нарсани уч марта ювиш зарурлигини мана шу ҳадисдан олишган.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI